

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Yu.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

ЯНГИБАЕВ АЙБЕК КЫДЫРБАЕВИЧ

**СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК
ОРГАНЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ВА УЛАРНИНГ
ФАОЛИЯТИДА ИШТИРОК ЭТИШИ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Янгибаев Айбек Кыдырбаевич

Сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда ва уларнинг фаолиятида иштирок этиши 3

Янгибаев Айбек Кыдырбаевич

Участие политических партий в формировании и деятельности представительных органов государственной власти 23

Yangibaev Aybek Kidirbayevich

Participation of political parties in formation of representative bodies of state authority and their activity 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Үн.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

ЯНГИБАЕВ АЙБЕК КЫДЫРБАЕВИЧ

**СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК
ОРГАНЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ВА УЛАРНИНГ
ФАОЛИЯТИДА ИШТИРОК ЭТИШИ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2PhD/Ү39 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://www.dba.uz/uz/tadqiqotchilarga/ilmiy-kengash>) ва «ZIYONET» таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Тулътеев Ильяс Тавасович юридик фанлар доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Туляганов Абдуманноп Абдужаббарович юридик фанлар доктори, доцент Беков Ихтиёр Рустамович юридик фанлар номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Ү.23.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил 22 февраль куни соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 45 уй. Тел.: (99871) 232-60-80, (99871) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида танишиш мумкин (28 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент ш., Ислом Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-61-25).

Диссертация автореферати 2019 йил 8 февраль куни тарқатилди.
(2019 йил 8 февралдаги 10 рақамли реестр баённомаси).

О. Т. Ҳусанов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, юридик фанлар доктори, профессор

А.Э. Йўлдошев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
котиби, юридик фанлар номзоди

С.М. Селиманова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси ўринбосари,
юридик фанлар доктори, доцент

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирда дунёнинг кўпчилиги мамлакатларида сиёсий партиялар давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда ва уларнинг фаолиятида иштирок этувчи, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатига таъсир кўрсатувчи асосий кучга айланди. Давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларида уларнинг роли сезиларли даражада ошиб бормоқда. Шу жиҳатдан қараганда, мамлакатимизни модернизация қилиш, жамиятимиз ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳаларини либераллаштириш вазифаси жамият ва давлат ҳаётида сиёсий партияларнинг ролига янгича ёндашувларни қарор топтириш ва ривожлантиришни талаб қилмоқда.

Жаҳонда ривожланган мамлакатлар ҳуқуқий тизимида сиёсий партияларнинг мамлакатда ўтказилаётган сайловларнинг асосий субъекти сифатидаги иштирокини ва давлат ҳокимияти органлари шаклланишининг ўзига хос йўналишларини аниқлаш, мазкур соҳани такомиллаштириш ва қонун устуворлигини таъминлашга оид илмий тадқиқотларга алоҳида аҳамият бермоқда. Бу борада, сиёсий партияларнинг родини кучайтиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнининг сифатини ошириш, сиёсий партия фракцияларининг парламент назоратини амалга оширишдаги родини кучайтириш, сиёсий партияларнинг сайловлардаги иштирокининг самарали тизимини жорий этиш ва сайловни ўтказишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш каби тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи устувор йўналишида “сиёсий тизимни ривожлантириш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг родини кучайтириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш”¹ вазифаларининг белгиланганлиги алоҳида эътиборга молик. Ушбу вазифаларни бажаришда сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда ва уларнинг фаолиятидаги иштирокини такомиллаштириш, сайловларда сиёсий партиялар иштирокининг самарали ва ўзаро рақобат муҳитига асосланган тизимни яратиш, сайловолди дастурларида белгиланган вазифаларни тўлиқ бажариш, ўз электорати манфаатларини рўёбга чиқариш, «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» принципини амалга ошириш, сиёсий партия фракцияларининг родини кучайтириш ва партия гуруҳларининг фаолиятини самарали ташкил этиш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий-назарий ечимини топиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги (1994), «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги (1996), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://lex.uz>.

тўғрисида»ги (2003), «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги (2004) қонунлари ва Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуни (2007), 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ва 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурининг 2, 4-бандларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва сиёсий партиялар фаолиятини кучайтириш билан боғлиқ устувор вазифаларнинг ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишига ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органларининг шаклланишига оид муаммолар ва уларнинг фаолиятида сиёсий партияларнинг иштирокига оид назарий-ҳуқуқий изланишлар олиб борилган ва ушбу фаолият изчиллик билан давом этиб келмоқда. Сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти органларини шакллантиришдаги иштирокига оид тадқиқотларни қуйидаги йўналишларга ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчи йўналиш: демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишда мамлакатимизда демократик институтларни шакллантириш, давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга оид илмий-назарий ва ҳуқуқий масалалар А.А. Азизхўжаев, С.М. Адилходжаева, Ҳ.Б. Бобоев, М. Бойдадаев, З.М. Исломов, Б.И. Исмаилов, Г.С. Исмаилова, Г.Р. Маликова, Ш.О. Мамадалиев, Х.Т. Маматов, М.М. Миракулов, Ў.Х. Мухамедов, Ф.А. Мухитдинова, М.К. Нажимов, Ҳ.Т. Одилқориев, Ф.Ҳ. Раҳимов, Х.И. Рузметов, А.Х. Саидов, С.М. Селиманова, А.С. Турсунов, И.Т. Тультеев, А.Т. Тўлаганов, А.А. Туляганов, Р.Р. Хақимов, Э.Х. Халилов, И.А. Хамедов, О.Т. Ҳусанов, М. Қирғизбоев каби ўзбек олимларининг тадқиқотларида ҳамда С.А. Авакьян, А.С. Автономов, М.Амеллер, К.В. Арановский, В.И. Даниленко, М. Дюверже, С.Е. Заславский, А.В. Иванченко, Е.В. Коврякова, В.В. Лапаева, Б.А. Страшун, Ю.А. Юдин каби хорижлик олимларнинг тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

Иккинчи йўналиш: Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти вакиллик ва ижро этувчи органларининг шаклланиши ҳамда фаолиятида

сиёсий партияларнинг иштироки билан боғлиқ айрим масалалар юзасидан фикрлар билдирган олимлардан Д.Қ. Ахмедов, М.А. Ахмедшаева, Е.Д. Кутубаева, А.Э. Рахманов, А.М. Хашимхоновларнинг илмий тадқиқотларида ҳам келтириб ўтилган.

Учинчи йўналиш: Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органларининг шаклланишида сиёсий партиялар иштирокининг ҳуқуқий асослари, партияларнинг сайловлардаги ўрни, парламент ва маҳаллий кенгашлардаги фаолияти хусусидаги фикрлар О.Т. Ҳусанов, Н.П. Азизов, Р.Р. Хақимов, И.Р. Беков, С.Н. Бердикулов, Ш.У. Якубов, К. Ҳамидова, Ш.А. Аббосхўжаев, О.К. Турғунов, А.Э. Йўлдошев, М. Ельшов, М. Хасанова ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида¹ келтириб ўтилган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган илмий ишларнинг давлат ҳокимияти органлари фаолияти, уларнинг шаклланиш жараёнида ҳамда жамият ва давлат ишларида сиёсий партияларнинг иштироки ва фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидан айрим фикр-мулоҳазалар билдирилган бўлса-да, лекин сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда ва уларнинг фаолиятида иштирок этиши алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлигини қайд этишимиз лозим.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг илмий-тадқиқот режасига киритилган «Давлат ҳокимиятини демократлаштириш ва ҳуқуқни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш» йўналиши доирасида амалга оширилган (2016-2018 йиллар).

Тадқиқотнинг мақсади давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда ва уларнинг фаолиятида сиёсий партиялар иштирокини ҳуқуқий тартибга солиш механизмини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсия ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон Республикасида сиёсий партияларнинг конституциявий-ҳуқуқий мақомини ва давлат билан муносабатининг ҳуқуқий табиатини аниқлаш;

Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш тизимининг шаклланиши ва тадрижий ривожланишини ўрганиш;

сиёсий партияларнинг давлат ҳокимиятини амалга оширишда иштирок этиш принциплари ва шаклларини тадқиқ этиш;

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларига сайловларда сиёсий партияларнинг иштирок этиш механизмини аниқлаш;

сиёсий партиялар фракцияларининг мақоми ва фаолият шаклларини киёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш;

¹ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантириши ҳамда уларнинг фаолиятида иштирок этишини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистон Республикасида сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда ва уларнинг фаолиятида иштирок этишида юзага келаётган ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда ва уларнинг фаолиятида иштирок этишига доир назарий ғоя, фикр ва қарашлар, ҳуқуқий ёндашувлар ҳамда тегишли қонун ҳужжатлари ва уларни қўллаш амалиёти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга оширишда илмийлик, мантиқийлик, тарихийлик, тизимлилик, қиёсий-ҳуқуқий усуллар, социологик сўровлар ўтказиш, статистик маълумотларни ўрганиш каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

депутатнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига, ўз электоратининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда тегишли ҳудудларнинг манфаатлари билан боғлиқ масалалар юзасидан асослантилган тушунтириш бериш ёки нуктаи назарини баён этиш талаби билан сўров юбориш зарурати асосланган;

сиёсий партия томонидан молия йили мобайнида фойдаланилмаган давлат маблағининг Давлат бюджетига қайтарилмаслиги ва ушбу маблағдан келгусида сиёсий партия уставига кўрсатилган фаолиятни молиялаштириш учун фойдаланиш эҳтиёжи очиб берилган;

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари томонидан парламент назоратининг янада самарали амалга оширилишига эришиш мақсадида парламент текшируви институтини жорий қилиш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган;

депутат уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган орган – сиёсий партия олдидаги мажбуриятларини бажармаган тақдирда сиёсий партияга уни чақириб олиш таклифини киритиш ҳуқуқини бериш ва ушбу таклифнинг тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органида чақириб олиш масаласини кўриш учун асос сифатида белгилаш зарурлиги асослантилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти органларини шакллантиришдаги иштирокининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, «сиёсий партиянинг ҳуқуқий мақоми», «сиёсий партияларнинг сайловдаги иштироки» «сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида иштироки» тушунчаларининг назарий-ҳуқуқий тавсифи аниқлаштирилган;

сиёсий партияларнинг мамлакат Президенти, Қонунчилик палатаси депутатлари ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ўтказиладиган сайловларда иштирокини такомиллаштириш бўйича ишлаб

чиқилган таклифлари ҳуқуқни қўллаш амалиётида юзага келган масалаларнинг бартараф этилишига ҳисса қўшади;

сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда ва уларнинг фаолиятида иштирок этиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор таклифлар қонунчиликда ўз аксини топган ва асослаб берилган (тегишли далолатномалар келтирилган);

сиёсий партиялар ва сайловлар билан боғлиқ қонун ҳужжатларининг янада такомиллашувига хизмат қиладиган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳасини тайёрлашда инобатга олинди (Марказий сайлов комиссиясининг далолатномаси келтирилган);

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонунларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар расмий манбалардан олингани; ўтказилган социологик сўровнома натижалари анкета шаклларида асослангани; хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилиб, ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганида акс этади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация ишининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулоса, таклиф ва тавсиялардан келгусида сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш муаммоларини тадқиқ этишда, сиёсий партиялар ва сайловларга оид қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, конституциявий ҳуқуқ фани бўйича маъруза, семинар ва амалий машғулотларда, ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сиёсий партияларнинг сайлов жараёнида ва давлат ҳокимияти вакиллик органларининг фаолиятидаги иштирокини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини амалга ошириш ва уларни янада такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация иши натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилган:

сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда ва улар фаолиятида иштироки тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-396-сонли Қонунининг 27-моддаси билан киритилган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик

палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонуни 32¹-моддаси «Депутат сўрови»ни ва 30-моддаси билан киритилган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 10-моддаси «Депутат ва сенатор сўрови»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2017 йил 17 январдаги №06/1-05/1956 вх-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар фракция аъзоларига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига тегишли равишда ўз электорати ва ҳудудларнинг манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан сўров юбориш имкониятини берди;

сиёсий партия томонидан молия йили мобайнида фойдаланилмаган давлат маблағларининг Давлат бюджетига қайтарилмаслиги ва ушбу маблағлардан келгусида сиёсий партия уставида кўрсатилган фаолиятни молиялаштириш учун фойдаланиш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-396-сонли Қонунининг 29-моддаси билан киритилган «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонуни 10-моддаси «Давлат томонидан молиялаштириш манбаи ва уни ажратиш тартиби» 3-қисмига жорий қилинди (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2017 йил 17 январдаги №06/1-05/1956 вх-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф сиёсий партиялар фаолиятининг молиявий асослари янада мустаҳкамланишига хизмат қилган;

парламент текширувини жорий қилишга оид таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 11 апрелда қабул қилинган «Парламент назорати тўғрисида»ги ЎРҚ-403-сонли Қонунининг 5-моддасида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2017 йил 24 февралдаги №06/1-05/200 вх-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ушбу институтни парламент назоратининг алоҳида шакли сифатида белгилашга, сиёсий партиялар фракцияларининг парламент назоратини амалга оширишдаги имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилган;

сиёсий партияларга ўзлари номзодини кўрсатган депутатни чақириб олиш ҳуқуқини бериш таклифлари Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-476-сонли Қонунининг 49-моддаси билан «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2018 йил 20 ноябрдаги №06/1-05/1891-сон маълумотномаси).

Мазкур таклиф фракцияларнинг депутатларнинг парламент интизомига риоя этишига таъсирини кучайтиришга, сиёсий партиялар ва депутатлар ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашга, депутатларнинг масъулиятини кучайтиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 6 та республика илмий-амалий конференция ва давра суҳбатларида ҳамда 3 та илмий мақолалар тўпламларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган. Шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола (2 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўққиз параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ҳамда предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, уларнинг натижаларини амалиётга жорий этилиш ҳолати, шунингдек, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари**» деб номланган бўлиб, уч параграфни ўз ичига олади. Ушбу бобда мустақил Ўзбекистонда сиёсий партиялар институти ҳуқуқий асосларининг ривожланиши, сиёсий партияларнинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми ва ҳуқуқларининг конституциявий-ҳуқуқий кафолатлари ҳамда сиёсий партияларнинг сайлов жараёнидаги иштирокининг ҳуқуқий асосларини илмий таҳлил этишга бағишланган.

Ушбу бобда мустақиллик йилларида бир партиявий тизимдан кўппартиявий тизимга ўтиш эҳтиёжлари асосида ташкил этилган сиёсий партиялар ва кейинчалик аста-секинлик билан мамлакатимизда демократик сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар қарор топиб, турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифода этувчи янги сиёсий партияларнинг вужудга келиши таҳлил этилган.

Диссертантнинг фикрича, мустақилликнинг дастлабки йилларида давлатимизнинг эътибори партиялар фаолияти ва уларни ташкил этишнинг ҳуқуқий базасини яратишга қаратилди. Кўппартиявийлик принципига асосланган ва умум эътироф этилган халқаро андозаларга мувофиқ бўлган сайлов тизими яратилди. Ўзбекистон Республикасида кўппартиявийликнинг

амалда шаклланиши шунга олиб келдики, бу жараёни махсус ҳуқуқий тартибга солиш зарурияти пайдо бўлди. Пировардида сиёсий партиялар фаолияти «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилинганидан сўнг ҳуқуқий замин касб этди. Бу сиёсий партияларнинг ҳуқуқий мақомида жиддий ўзгаришлар юз беришига сабаб бўлди.

Сиёсий партияларнинг парламентдаги фаолияти уларнинг давлат билан ўзаро алоқасининг энг муҳим йўналиши ҳисобланади. Парламентда ўринларни қўлга киритган партиялар ўз манфаатларини рўёбга чиқариш, парламент қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда институционал механизмга эга бўладилар. Шу нуқтаи назардан, парламент фаолиятини ўрганиш сиёсий партиялар парламент фаолиятининг турли йўналишларида фаол иштирок этишларини кўрсатади.

Диссертацияда таъкидланишича, ўтган йиллар мобайнида ижобий хорижий тажрибани ўрганиш асосида кўппартиявийликнинг ўз модели яратилди. Мазкур моделни ривожлантиришнинг муҳим натижалари, *биринчидан*, мамлакатда кўппартиявийликни шакллантириш учун сиёсий-ҳуқуқий ва бошқа шароитлар амалда юзага келганидан сўнг, кўп партияли тизим, шунингдек ҳозирги замон партия тизимининг барча зарурий атрибутлари яратилганлиги; *иккинчидан*, фаолият кўрсатаётган партияларнинг ҳар бири ўз активини таркиб топтириб, профессионал партия кадрларининг етарли қатлами, шунингдек тегишли партиявий мўлжал, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлган электорат шаклланиши, аҳолининг ижтимоий фаоллиги кучайиши кузатилганлиги; *учинчидан*, сиёсий партия самарали фаолият кўрсатишини таъминловчи замонавий кўп партияли тизимни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилишига эришилганлиги таъкидланган.

Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаолияти ҳуқуқий асосларининг тадрижий ривожланиши тўрт босқичга ажратиб кўриб чиқилди. Ушбу босқичларга бўлиб ўрганишда бир партиялиликдан кўп партияли тизимга аста-секин ва шикастсиз ўтиш амалда таъминланган; кўппартиявийликни ривожлантириш ва давлат ҳокимияти вакиллик органларини демократик асосда шакллантиришнинг ҳуқуқий базаси яратилган; Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан фуқароларнинг сиёсий партияларга бирлашиш ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган; партия иши тажрибасининг тўпланиши ва партия менежменти эндигина шаклланаётган шароитларда партия қонунчилиги тизими шакллантирилган; партиялар ҳокимиятнинг вакиллик тармоғида ўз сиёсатини уюшқоқлик билан олиб боришлари учун Олий Мажлисида партияларнинг фракциялари ва маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларида депутатлар гуруҳлари тузилган; кўп партияли демократик сайлов натижаларига кўра икки палатали парламентнинг шакллантирилиши ва Қонунчилик палатасида партияларнинг тўлақонли вакиллиги таъминланган; сиёсий партиялар парламент фракциялари фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилган; сиёсий партияларнинг устав фаолиятини қонунга мувофиқ давлат томонидан

молиялаштириш амалга оширила бошлаган; сиёсий партиялар фракциялари ва жойлардаги депутатлар гуруҳларининг иши сезиларли даражада жонланган; сиёсий партиялар фаолияти жамиятда уларнинг нуфузи ошганидан, давлат бошқаруви органларининг иши устидан жамоатчилик назоратини таъминлашда уларнинг роли кучайганидан, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ривожлантириш жараёнларига таъсир кўрсатиш имкониятлари кенгайган деган илмий хулосага келинган.

Муаллиф томонидан сиёсий партияларнинг конституциявий мақоми атрофлича таҳлил этилиб, уларнинг роли кучайишини таъминлайдиган қуйидаги мақсадлар ўрганилди. Булар: жамиятимиз ҳаётида ижтимоий ва сиёсий фаолликни янада ошириш; мамлакатимиздаги ислохотларни амалга оширишда сиёсий партияларнинг ташаббускорлиги, роли, таъсири ҳамда масъулиятини кучайтириш; ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро этувчи органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг фаол иштироки учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратиш; давлат ҳокимияти органларининг сиёсий партия фракциялари, маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳлари олдида ҳисоб беришини белгилаб берадиган ва таъминлайдиган самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш.

Тадқиқот жараёнида «сиёсий партиянинг ҳуқуқий мақоми», «сиёсий партияларнинг сайловдаги иштироки», «сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида иштироки» тушунчаларининг назарий-ҳуқуқий тавсифи ёритилган. Сиёсий партиялар фаолиятининг қонун ҳужжатларида белгиланган асосий мақсадлари таҳлили давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда иштирок этиш сиёсий партияларнинг энг муҳим функциясидир, деган хулоса асослантирилди. Партиянинг муҳим вазифаларидан бири – сайлов жараёнида иштирок этиш, яъни электорал функцияси тадқиқ этилди.

Диссертацияда сиёсий партиялар институционаллашувининг асосий вазифалари таҳлил этилиб, уларни аниқлаштиришга қаратилган тавсиялар берилди. Партиянинг ҳуқуқий мақомини таҳлил қилиш жараёнида партия мақоминининг учта жиҳати: умумҳуқуқий, махсус ва хусусий мақоми нуқтаи назаридан ўрганилиб, уларнинг ҳар бири муайян белги ва хусусиятлари билан ажралиб туриши асослантирилган.

Ишда амалдаги қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг хусусиятлари таҳлил қилинган ҳамда бу борада олимларнинг (Ш.З. Ўразаев, А.Х. Саидов, Ҳ.Т. Одилқориев, Ш.О. Мамадалиев, Х.Т. Маматов, Ф.А. Мухитдинова, Ш.Х. Файзиев, И.Р. Беков, М.В. Баглай, Б.А. Страшун, В.Я. Мустафин ва бошқ.) фикр-мулоҳазалари ўрганилди.

Амалга оширилган таҳлил асосида Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти органларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятида сиёсий партиялар иштироки кенгайиб бораётгани ҳақидаги хулоса ишлаб чиқилди. Диссертантнинг фикрича, мазкур жараён қуйидагиларда намоён бўлади: а) партияларнинг бир қатор тартиб-таомил, ахборот ва ташкилий ваколатлари қонунчиликда мустаҳкамланди ва натижада партиялар сайловнинг асосий иштирокчисига айланди; б) партиялар фракцияларининг парламент фаолияти

асосий соҳаларида (қонун ижодкорлиги, назорат, кадрлар билан ишлаш ва бошқа функциялар) тегишли ваколатлари юридик мустаҳкамланди; в) партиялар ролининг кучайтирилиши давлат ва партиялар ўртасидаги муносабатларни янада изчил ва самарали бўлишига қаратилган. Партияларнинг янги ваколатларининг мустаҳкамланиши вакиллик органлари мақомининг аниқлаштирилишига олиб келди.

Давлат ҳокимиятини амалга оширишда сиёсий партияларнинг иштироки халқ ҳокимиятини амалга оширишнинг алоҳида тури ҳисобланишидан келиб чиқиб, мазкур иштирок, халқ ҳокимиятига хос муҳим сифатларга эга бўлган ҳолда, уни табақалаштириш имкониятини берувчи хусусият касб этади, деган хулосага келинди.

Шунингдек, сайлов жараёнида сиёсий партиялар иштирокининг қафолатлари таҳлил этилиб, 1) сайлов комиссияларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг иштирок этиш имкониятлари; 2) партияларнинг номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи; 3) сайловолди ташвиқоти шакллари ва усулларининг кенг доираси мустаҳкамланганлиги; 4) сайлов кампанияси мажбурийлик, очиқлик, ошқоралик ва давлат томонидан молиялаштирилиши принциплари асосланганлиги; 5) сайлов жараёнини кузатиш институтининг мавжудлиги; 6) сайловни ўтказиш тартиби устидан давлат назорати ва юридик жавобгарлик мавжудлиги атрофлича ўрганиб чиқилди.

Иккинчи боб «**Сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришдаги иштироки**» масалаларини тадқиқ этишга бағишланган. Мазкур бобда сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасини шакллантиришда, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлашда ва маҳаллий давлат вакиллик органларини шакллантиришда иштирок этиш тартиби ва бунда партияларнинг ваколатлари тадқиқ этилди ҳамда тегишли таклифлар илгари сурилди.

Ушбу бобда партиялар ўртасида сиёсий курашнинг кучайиши, партиялараро рақобатнинг кескинлашуви мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ислохотларнинг бирдан-бир мақсади эмаслиги, сайловчилар олдида жавобгарликнинг кучайтирилиши айнан ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш билан боғлиқлиги, қонунлар партияларга тенг ҳуқуқий имкониятлар билан бир қаторда, улар ўзаро рақобат олиб бориши учун рағбат ҳам бериши, бироқ, ўтган ўн йилдан зиёд вақт давомида сиёсий партиялар ўртасида чинакам демократик рақобат қарор топмаганлиги кўрсатиб ўтилди. Диссертант бунга жиддий эътибор қаратиб, ҳамда мамлакат Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг «сиёсий партиялар ҳокимият учун курашиш ҳуқуқига эга. Лекин шунга қарамасдан, улар ўртасида рақобат, фикрлар, позициялар хилма-хиллиги мутлақо сезилмаяпти»,¹ деган фикрини таҳлил этиб, партияларнинг ролини, баҳс-мунозарани кучайтиришга, соғлом рақобатни вужудга келтиришга

¹ Мирзиёев Ш.М. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак // Халқ сўзи. – 2017. 13 июль.

қаратилган бир қатор таклифларни асослантириб берди. Бу, муаллифнинг фикрича, сайловчиларнинг манфаатларини янада тўлиқроқ ифодалаш учун замин яратади ва Президентимиз таъбири билан айтганда, «мудраб ётган» сиёсий партиялар уйғонишига, аниқ амалий ишлар билан сайловчилар ишончини қозонишга олиб келади¹.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасини шакллантириш жараёнида партиялар фаолияти амалдаги қонунчилик асосида таҳлил этилиб, сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи сайловчилар имзолари миқдорига кўйилган талабни камайтириш тўғрисидаги ўзгартишларнинг қонун ҳужжатларига киритилиши асослантирилган.

Тадқиқот жараёнида сайлов қонунчилигининг бузилишига йўл қўймаслик мақсадида, мавжуд сайлов бюллетени ўрнига сайловчининг шахсий рақами ақс этирилган электрон карталар (ID-карта) воситасида овоз бериш тартибини ва Интернет орқали овоз бериш тизимини жорий этиш таклиф этилмоқда. Бу борада хорижий мамлакатлар – АҚШ, Россия ва Эстония Республикаларининг тажрибалари ўрганилиб, таҳлил қилинди.

Диссертант сайловолди ташвиқотини амалга оширувчи субъектлар доирасини аниқлаштиришни таклиф этмоқда. Муаллиф хорижий тажрибани қиёсий таҳлил қилиш асосида, мамлакатимизда сайловолди ташвиқотни амалга оширувчи шахсларнинг доирасини аниқ белгилаш лозим, деган хулосага келди. Ҳозирги кунда қонунчиликда судьялар, ички ишлар, прокуратура, давлат хавфсизлик хизмати ходимлари, диний ташкилотлар ҳамда хорижий давлатлар фуқаролари ва ташкилотларнинг сайловолди ташвиқоти қонунда ақс этирилмаган. Шу сабабли, сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ нормаларни такомиллаштириш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 27-моддаси ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддасига қўшимча киритиш тавсия этилмоқда.

Тадқиқот жараёнида туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларининг асосий қисми фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан эмас, балки айнан партиялар томонидан кўрсатилган номзодлар орасидан сайланиши таҳлил қилинди. Хусусан, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига 2014 йилда мамлакат бўйича жами сиёсий партиялардан сайланган депутатлар 5181 нафарни ташкил этган бўлса, шундан фуқаролар йиғинлари томонидан кўрсатилган номзодларнинг фақат 114 нафари (2,2 фоизи) туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига сайланган. 2017 йил 24 декабрь куни Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига ўтказилган сайлов натижалари бўйича эса, сиёсий партиялардан жами 278 (84,2 фоиз) нафар депутат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан эса 52 (15,8 фоиз) нафар номзод депутатлик ўринларини эгаллаганлиги келтирилди. Таҳлил асосида диссертант ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига

¹ Ўша манба.

номзодларни кўрсатиш тартибини бекор қилиш лозимлиги асослантирилди. Амалиёт эҳтиёжи ва сўровномалар натижаларидан келиб чиқиб, диссертант сиёсий партиянинг сайловолди дастурларида баён қилинган вазифаларни халққа тўлақонли етказиш мақсадида маҳаллий Кенгашларга номзодларни кўрсатувчи субъектлар доирасидан фуқаролар ўзини-ўзи бошқарув органларини чиқаришни ҳамда маҳаллий депутат ишончли вакилларининг сонини кўпайтириш тўғрисидаги таклифларни асослантирди.

Учинчи боб «**Сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятидаги иштироки**»га бағишланган. Унда давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги партиявий тузилмалар фаолиятининг тузилиш тартиби, шакли, мақоми ва бу борадаги хорижий тажриба ҳамда миллий амалиёт кўриб чиқилган, партияларнинг парламент назоратини амалга оширишдаги роли, парламентдаги партиявий фракциялар ва халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларининг фаолиятини жадаллаштириш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот ишида сиёсий партиянинг асосий мақсадидан келиб чиқиб, унинг оммавий фаолиятини бир-бирини доимий равишда тўлдирадиган икки йўналишдан иборат жараён сифатида тавсифлаш мумкин, деган фикрга келинган. *Биринчи йўналиш* партиянинг давлат ҳокимиятини эгаллашга қаратилган, давлат ҳокимияти органларида ўз вакиллигини таъминлаш, ёки сақлаб қолиш ва кенгайтиришни ўз ичига оладиган оммавий фаолият бўлиб, мазкур фаолият йўналиши сайлов кампанияларини ўтказиш даврларида биринчи даражали аҳамият касб этади. *Иккинчи йўналиш* партиянинг давлат ҳокимияти органлари таркибидаги вакиллари фаолияти бўлиб, унинг натижалари вакиллик органи ишида намоён бўлади.

Амалдаги қонун ҳужжатлари таҳлили диссертантга фракциялар фаолиятининг асосий принциплари рўйхатини шакллантириш имконини берди. Булар: Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг фракциялари доимий ишлаш принципи; фракция депутатларини фақат партия аъзолари жумласидан шакллантириш принципи; кўмиталар ва комиссияларни партияларнинг пропорционал вакиллиги асосида шакллантириш принципи; коллегиялик принципи; депутатларнинг ўз партияси фракциялари олдида жавобгарлиги принципи; фаолиятнинг очиклиги ва ошкоралиги принципи; фракция аъзоси унинг фаолиятида иштирок этишининг мажбурийлиги принципи.

Тадқиқот ишида диссертант томонидан хорижий мамлакатларда парламент партияси фаолияти атрофлича ўрганилиб, муаллифлик қарашлари баён этилиб, *парламент партияси – парламентда доимий ишлайдиган, унинг кўпқиррали фаолиятида фаол иштирок этадиган ваколатли ихчам ташкилий тузилма – фракцияга эга бўлган партиядир*, деган илмий-назарий таъриф ишлаб чиқилган.

Диссертантнинг фикрича, қонун ижодкорлиги механизми доирасида сиёсий партияларнинг ҳуқуқ ташаббускори сифатидаги роли айниқса муҳим аҳамият касб этади. Ўзини парламентдаги муҳолафат деб эълон қилган сиёсий партия фракциясига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

Қонунчилик палатаси масъул қўмитасининг тегишли масала бўйича маърузаси билан бир вақтда қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни киритиш ҳуқуқига эгаллиги келтирилган. Лекин, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «...қонун лойиҳаларини парламентда муҳокама этиш ва қабул қилишда фракцияларнинг ўрни, уларнинг партиявий ёндашуви ва қатъий позицияси етарли даражада сезилмаяпти. Бугунги кунда сиёсий партияларнинг фракциялари ва депутатларнинг қонунчилик ташаббускорлиги бўйича фаолияти талаб даражасида эмас»¹. Парламент фаолиятини ўрганиб, диссертант партияларнинг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштирокини танқидий баҳолади. Шу сабабли, фракцияларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаоллигини рағбатлантириш мақсадида, қонун лойиҳаларини ташаббус қилишда фақат муҳолиф партия сифатида эмас, балки барча сиёсий партия фракцияларига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди муаллиф.

Мазкур бобда диссертант томонидан М. Амеллер, Г.Д. Садовникова, А. Токвиль, Л.В. Шувалова, О.В. Орлова, В.В. Лапаева, Т.Я. Хабриева, Е.В. Коврякова, А.Х. Саидов, Б.И. Исмаилов, С.Н. Бердикулов ва К. Жўраев каби олимларнинг фикрлари таҳлил қилиниб, ўз муаллифлик қарашлари баён қилинган.

Диссертация ишида Германия, Франция, Португалия, Австрия ва бошқа хорижий мамлакатлар қонунчилигида сиёсий партия фракцияларини ташкил этишда қўйиладиган талаблар ва миқдорий мезонлар ўрганилиб, миллий қонунчилигимиз билан қиёслаб таҳлил этилди. Натижада муаллиф томонидан “фракция” тушунчасига қуйидагича таъриф таклиф этилди: *фракция – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, белгиланган тартибда рўйхатга олинган, муайян сиёсий партия аъзоларидан иборат бўлган, партия сиёсатини парламентда амалга оширувчи депутатлар бирлашмасидир.*

Ўтказилган сўров натижасида аниқланишича, унда иштирок этган респондентларнинг ярми партия вакиллик органлардаги фаолиятининг самарадорлигини салбий баҳолаганлар. Шундан келиб чиқиб, сайловчилар билан икки томонлама алоқани яхшилаш, партия фракцияларининг фаолияти устидан фуқаролар назоратини кучайтириш мақсадида, партия расмий сайтларида фуқаролар партия фракциялари ва гуруҳлари ишига ўз баҳосини бериши мумкин бўлган саҳифа (блог) яратилиши таклиф этилди.

Шунингдек, ушбу боб доирасида сиёсий партия фракцияларининг парламент назоратини амалга оширишдаги роли, парламент сўрови ва парламент текширув тартиб таомиллари таҳлил этилиб, фракциялар фаолиятини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар илгари сурилди.

¹ Мирзиёев Ш.М. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак // Халқ сўзи. – 2017. 13 июль.

ХУЛОСА

Амалга оширилган тадқиқот натижасида қуйидаги умумназарий хулосалар ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар илгари сурилди.

I. Умумназарий хулосалар

1. Ўзбекистон тарихида сиёсий партияларнинг ривожланиши энди шаклланаётган миллий партиялар даври, совет давридаги яккапартиявий тоталитар ҳукмрон партия даври ва мустақиллик вақтида шаклланган кўппартиявий тизимгача йўлни босиб ўтди. Кўппартиявийлик сиёсий партиялар ҳуқуқий мақомининг қонунчилик асосларини яратди. Партиялар ўртасида рақобат муҳити вужудга келди, улар давлат ҳокимиятини шакллантиришда иштирок этиш имкониятига эга бўлдилар.

2. Партияларнинг ҳуқуқий мақоми ва фаолият принципларини белгиловчи қонун ҳужжатлари ривожланишини таҳлил қилиш асосида сиёсий партиянинг ҳуқуқий мақоми ҳақида қуйидаги таъриф ишлаб чиқилди. *Сиёсий партиянинг ҳуқуқий мақоми партиянинг юридик мустаҳкамланган ҳолати бўлиб, ҳуқуқлар, бурчлар ва ҳуқуқий муносабатда иштирок этишга имконият берувчи бошқа элементлар тизимида ифодаланиши тушунилади.*

